

## Алла - она қалби армуғони

Жорий йилнинг 24-январ куни соат 18-30 да 4-сонли талабалар турар жойида Гидромелиорация факултетининг "Хотин-қизлар қўмитаси" раиси З.Бекназарова ва "Физика-кимё кафедраси" профессор ўқитувчилари доцент И. Сапаев, доцент А. Ахмедов, доцент К. Комилов, доцент Қурбанова. А, А. Каримов лар билан ҳамкорликда қизлар ўртасида " Қизларни оналикка тайёрлаш" мавзусида "Алла айтиш" конкурси ўтказилди.



Бу мусобақада 1-курс талаба қизлари Каримова Шодия, Ахмадова Дурдона , 3-курс талабаси Мамажоновна Фотималар иштирок этди. Талаба қизларимиз алла қўшиғини мароқ билан ижро этишди ва барчани қалбини ларзага келтирди. Бундан таъсирланиб 2-курс талабаси Қурбонгул Қороқолпоқ тилида "Алла" қўшиғини жуда гўзал ижро этди. Танловда иштирок этган қизларимизга хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди ва "Физика-кимё" кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан ширинликлар улашилди.



**4-ТТЖ тарбиячи педагоги А.Хаитова ахбороти**

**Институт Матбуот хизмати Раҳимбой Жуманиёзов**